

Қуръон - осон ёд олинадиган ва тез ёддан кўтариладиган китоб



14:00 / 17.12.2023 7300

Қуръони каримнинг ёдланиши, тиловати ва тушунишнинг осон бўлиши ҳам Аллоҳ таоло томонидан бандаларига икром, раҳмат ва фазилатидир. Аллоҳ таоло «Қамар» сурасининг 17, 22, 32 ва 40-оятларида:

رَكَدُمْ نَمْلَةً فَرَكَدْ ذَلَّ النَّارُ قُلْ أَنْ رَسَايَ دَقَلَو

«Дарҳақиқат, Биз Қуръонни зикр учун осон қилдик. Бас, эслатма олувчи борми?!» дея марҳамат қилганидек, Қуръонни зикр учун осон қилиб қўймаганида, уни тўлиқ ёдлаш, ўрганиш тугул, битта ҳарфини ҳам ўқишга бирор кишининг қудрати етмас эди.

Мужоҳид раҳматуллоҳи алайҳ «Дарҳақиқат, Биз Қуръонни зикр учун осон қилдик» ояти «унинг қироатини енгил қилдик» деган маънони англатишини таъкидлаган. Суддий эса: «Агар Аллоҳ таоло одамзодга Қуръонни енгил қилмаганида, бирор киши Яратганнинг каломини гапира олмас эди», деган. Имом Қуртубий юқорида ўтган оят тафсирида: «Биз Қуръонни ёдлашга енгил қилдик ва уни ёдламоқчи бўлган кишига ёрдам берурмиз. Уни ёд олувчи киши борми? Унга ёрдам берилади»- деган.

Қуръони карим уни ёдлаш ва ўқишни одатий вазифа қилиб олган киши томонидан тез ва енгил ёдланиши, уни такрорлаш ва қайта ўқишга бепарво бўлган кишининг эса зеҳни ва хотирасидан тез унутулишида бошқа китоб ва (зикр, лафз)лардан буткул фарқ қилади. Чунки Аллоҳ таоло Қуръони каримда:

زَيَّرَعُ بَاتِكَلُ نِو

»Албатта, у азиз Китобдир», деган. (Фуссилат сураси, 41-оят).

مَلَسُو هَلَلِ لَاصِلِ لَوَسْرِنِ هَلَلِ يَضْرِعُ شَأَلِ سَوْمِ يَبَأْنِ
يَفَلِبِإِلَانِمِ أَتْلَفَتْ دَشَأْ وَهَلِ وَدَيَبِ دَمْحُمُ سَفَنِ يَدْلَأَوْفَنَ أَرْقُلِ أَدَهْ أَوْدَهْ أَتْ لَاقِ
مَلَسْمُو يَرَاخِبَلِ هَاوِرِ

Абу Мусо Ашъарий розияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан ривоят қиладилар: «Қуръон билан боғланиб турунлар. Нафсим Унинг қўлида бўлган зотга қасамки, у (Қуръон) тушовида турган туядан ҳам кўра қочувчиروқдир»-деганлар. (Имом Бухорий ва Муслим ривояти.)

أَمَّنْ لَاقِ : مَلَسُو هَلَلِ لَاصِلِ لَوَسْرِنِ أَمَهْنِ هَلَلِ يَضْرِعُ رَمَعُ نَبَانِعُو
تَبَهْ هَذَا قَلْطَانِ وَأَهْكَ سَمَأْ هَلَعَدَهْ أَعْنِ إِهْلَقْ عُمَلِ لِبَلِ لَتَمَكِنَ أَرْقُلِ بِحَاصِلِ تَم
يَرَاخِبَلِ هَاوِرِ

Яна бошқа бир ҳадисда Ибн Умар розияллоҳу анҳудан Пайғамбаримиз алайҳиссалом: «Қуръон соҳиби тушовланган туя эгаси кабидир. Агар у

билан боғланиб турса, ушлаб туради. Агар уни қўйиб юборса, қочиб кетади», дедилар. (Муттафақун алайҳ).

Қуръони каримнинг мўъжизакорлиги қиёматгача давом этади. Унинг тез ёд олиниб, такрорлаб турмаса эсдан чиқиб қолиши ҳам ана ўша мўъжизалардан ҳисобланади. Бирор шеър ёки байтни ёдлаб кўрган инсон бунини хис қилади. Уни ёдлаш учун анча мунча такрор қилади ва ёд олгандан сўнг эса уни ёддан кўтарилиши ҳам секин жорий бўлади.

Шунинг учун ёд олган сураларимизни доимий тарзда такрор қилиб туришимиз ва унинг ҳар бирига ўнтадан то етмиш баробаргача савобга сазовор бўлишга интилишимиз лозим. Аллоҳ таоло барчаларимизни Ўз Каломига муҳаббатли инсонлардан қилсин. Омин!

Жалолиддин домла Ҳамроқулов

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2023 йил 16 июндаги 03-07/4775-рақамли хулосаси асосида тайёрланди.